



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “ 24 ” mart

Қ-171 -son

Termiz sh.

**Жарқўрғон туман “Истиклол” маҳалласи
худудидан “JASURBEK FAXR KELAJAK”
МЧЖга балиқчилик кўли ташкил этиш ва
озуқабоп экинлар экиш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 01 майдаги ПҚ-2939-сонли қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 06 мартдаги 05-02/200-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 06 февралдаги 03-05/48-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Жарқўрғон туман “Истиклол” маҳалласи худудидан “JASURBEK FAXR KELAJAK” МЧЖга ўрдакчилик ва балиқчиликни ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 165к, 166, 167, 168к, 169 ва 170к-дала контурларидаги жами 15,5 гектар, шундан 7,5 гектар яйлов, 6,8 гектар бутазор, 1,0 гектар ариқлар ва 0,20 гектар йўллар ер майдонларидан 2,0 гектарига балиқчилик кўли ташкил этиш учун ва 12,3 гектарига озуқабоп экинлар экиш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурадги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурадги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов